

# Ishonch

2019 йил 16 май • пайшанба • № 61 (4190)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯНИНГ «ЛУКОЙЛ» КОМПАНИЯСИ РАЎБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 май кuni «Ўзбекистон нефть ва газ» халқаро кўргазмаси тadbирларида иштирок этиш мақсадида мамлакатимизда бўлиб турган «Лукойл» компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, мамлакатимиз нефть-газ тармоғида етакчи бўлган ушбу Россия компанияси билан самарали ҳамкорлик изчил ривожланиётганини алоҳида қайд этди.

Бугунги кунда «Лукойл» компанияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларга киритган инвестициялар ҳажми 7,5 миллиард доллардан ошади.

Ўтган йил апрель ойида ишга туширилган Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси лойиҳада қўзда тутилган қувват билан ишлаб бошлади. «Ховузак» ва «Шоди» конлари, шунингдек, Жануби-Ғарбий Ҳисор конлари ўзлаштирилмоқда.

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари, жумладан, янги инвестиция дастур ва лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда «Лукойл» компаниясининг мамлакатимиздаги фаолиятини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Вагит Алекперов Президентимизга самимий қабул ва қўшма лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун чуқур миннатдорлик билдирди.

«Лукойл» компанияси раҳбари Ўзбекистон билан нефть-газ тармоғида узок муддатли ва кенг қўламли шериклики янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

Навоий  
салоати

## БЕШ ТАШАББУС – БЕШ ИМКОНИЯТ

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича бешта муҳим ташаббус Навоий вилоятида ҳам кенг тарғиб қилинмоқда. Навоий шаҳридаги «Маърифат боғи»да

5 мингдан ортиқ ёшларни беш мақсадда бирлаштирган лойиҳа вилоят ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Тadbирда ёшлар томонидан саҳналаштирилган театр томошалари, куй-қў-

шиқлар ижроси, уларнинг ижодига оид ҳунармандчилик, рассомчилик санъати намуналари намойиш этилди. Спортнинг 20 тури бўйича ёшлар ўртасида мусобақалар ташкил этилди.

Сирож АСЛОНОВ  
(ЎЗА) олган сурат.

Тошкент  
шаҳри

Жамоатчилик комиссияси

## Мулоқотлар ўз самарасини бермоқда

Президентимиз ташаббуси билан тузилган Жамоатчилик комиссиясининг навбатдаги учрашуви жорий йилнинг 14-15 май кунлари Яккасарой туманидаги «Армуғон», «Бошлиқ», «Дилбўлоқ», «Муҳандислар», «Қушбеги», «Мерос», «Тўқимачи», «Ракат», «Яккасарой», «Беларик», «Богсарой», «Дамарик», «Конституция», «Ракатбоши», «Тепа» ҳамда Юнус Ражабий, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Сулаймонов, Бобур, Муқимий, Шоҳжаҳон номли маҳаллаларда бўлиб ўтди.

Унда туман аҳли, участка нозирлари, кенг жамоатчилик, Яккасарой тумани ҳокимлиги, сектор раҳбарлари ҳамда мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Мулоқот чоғида жиноятчиликнинг олдини олиш, хорижга чиқиб кетган фуқаролар тақдирига бефарқ бўлмаслик, уларга оид маълумотлар маҳалла раислари, участка нозирларида бўлиши шартлиги, бу йўналишда маълумотлар базасини яратиш, ҳудуддаги ижтимоий муаммолар, ҳал этилмаган ишлар ечимини топиш, тadbиркорликни кенг тарғиб этиш, маҳаллаларда кичик кор-

хоналар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш, биринчи галда кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёшларни иш билан таъминлаш масалаларига эътибор қаратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Жамоатчилик комиссиясининг ташрифи жараёнида фуқаролар томонидан кўчаларга тунги ёриткичлар ўрнатиш, кўп қаватли уйлар олдида болалар учун майдончалар қуриш, аҳоли томонидан тўланадиган солиқ ва бошқа тўловларни тўлаш учун қўлайлик яратадиган молия муассасалари шохобчаларини ишга тушириш,

оилавий поликлиникаларни ҳам аҳоли учун қўлай бўлган манзилларга жойлаштириш, йўлларни таъмирлаш, кўп қаватли уйлар олдида энгил автомобиллар учун тўхташ жойларини қуриш, меҳмонхона, новвойхона йўналишлар бўйича амалий ёрдам сўраб мурожаатлар қилинди. Шунингдек, айрим маҳаллаларда мактабгача таълим муассасалари, футбол майдончалари қуриш зарурлиги айтиб ўтилди. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар-

нинг арзлари ҳам эътиборга олинди. Жумладан, «Армуғон» маҳалласида истиқомат қилувчи Салима Тўйчиеваннинг 10 ёшли туғма ногиронлиги бор фарзандининг даволаниши учун 5 млн. сўм, 12 ёшли туғма ногиронлиги бор фарзандини даволаш учун фуқаро Набижон Нуралиевга 4 млн. сўм моддий ёрдам пули берилдиган бўлди.

Бундан ташқари, Жамоатчилик комиссияси қошидаги ишчи гуруҳларнинг ўрганишлари давомида юзага чиққан шу каби қатор муаммолар, ижтимоий соҳалардаги камчиликларни бартараф этиш, ҳар бир мурожаатни ўрганиб чиқиб, муаммони ижобий томонга ҳал этиш борасида мутасадди ташкилотларга топшириқ ва вазифалар белгилан берилди.

Ғулмонжон МУСАЕВ,  
Яккасарой тумани ҳокимлиги  
матбуот котиби

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ «РОСАТОМ» КОРПОРАЦИЯСИ БОШ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 май кuni Россиянинг атом энергияси бўйича «Росатом» давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёвни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, Ўзбекистон билан Россия ўртасида атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини қатъиямуният билан қайд этди.

Олий даражада эришилган келишувларни рўйбга чиқариш доирасида илгор технология ва илм-фан ютуқларини жалб этган ҳолда мамлакатимизда биринчи атом электр станцияси қуриш лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузурида «Ўзатом» агентлиги ташкил этилган ва фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда атом энергетикасини ривожлантириш бўйича ўн йилга мўлжалланган концепция қабул қилинган.

Бўлажак АЭС учун майдон танлаш бўйича муҳандислик тadbирларининг биринчи босқичи якунланди. Халқаро талабларга мувофиқ, лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсири баҳоланмоқда ва техник ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Аҳолини атом энергетикаси

ва ядровий технологиялар ривожини тўғрисида кенг хабардор қилиш мақсадида «Ўзатом» агентлиги биносидан Атом технологиялари ахборот маркази очилди.

Бундан ташқари, янги ўқув йилидан Тошкентда «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети филиали ўз ишини бошлади.

Учрашувда мамлакатимизда қабул қилинган «йўл харитаси» асосида АЭС қурилиши лойиҳасини сифатли тайёрлаш ва амалга ошириш таъминлаш бўйича ҳамкорлики давом эттириш масалалари кўриб чиқилди. Янги тармоқни ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

«Росатом» давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёв самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдирди. Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида эришилган келишувларни ўз вақтида ва кенг қўламли амалга ошириш борасидаги интилишларнинг қатъий эканини таъкидлади.

ЎЗА

...«Мияни чайиш» деган ибора ҳеч қўлоғингизга чалинганми? Бу атама илк бор 1950-йилларнинг бошларида америкалик журналист Эдвард Хантер томонидан хитойча «хси нао» иборасининг таржимаси ўлароқ истеъмолга киритилган. Хитойликлар Кореядаги ҳарбий асирлар учун мўлжалланган лагерларга тушиб қолган (1950-1953) америкалик аскарларга таъсир ўтказиш усулини шартли равишда шундай атаганлар.

Хитой коммунистлари руҳий ва жисмоний таъсир кўрсатиб, асирларнинг хатти-ҳаракатларида жиддий ўзгаришлар пайдо қилишга, ўзига айланиб, дунёқарашларини тубдан ўзгартиришга эришилган. Ва бу ўша давр учун энг шафқатсиз ва ноинсоний усул саналган...

Бугун бу усул омманинг онги билан боғлиқ ҳар қандай жараёнда қўлла-

нилмоқда. Тўғри, бутун бошли жамиятга жисмоний таъсир ўтказишнинг илоҳи йўқ, аммо руҳий таъсирнинг исталган услубидан фойдаланишмоқда.

Аввалига ҳаммаси оддий: биз мияни шунчаки дам олдириш, маданий ҳордиқ чиқариш учун телевизор кўрагимиз, деб ўйлаймиз. Аслида... Илмий тadbиротлар шунини тасдиқламоқдаки, телевиде-

ние руҳий ва ахлоқий жиҳатдан сезимсиз, аммо аниқ натижага таъсир кўрсатади. Телевизор томоша қиладиганларнинг аксарияти ёмон одатлари кўпайиб кетаётгани ва вақт танқислигидан нолишади. Аммо худди банги каби ундан узилолмайди.

Бир муддат аввал ижтимоий тармоқларда сериаллар мавзуси кун тартибига қўйилди-ю, баҳонада телевидение-

мизнинг оқсоқ жиҳатлари янада яққолроқ кўриниб қолди. Мантисиз фильмлар, мазмунсиз ҳаёт ва ахлоқсизлиқни тарғиб қилувчи видеоматериаллар намойиши одамларимизни безовта қиладигани маълум бўлди. Бироқ шунча гап-сўзлардан кейин қандай ўзгариш бўлди? Афсуски, ҳеч қандай!

3»

## Ўзбекистон зиёлилари эътиборига! «ZOR tv» га бари барибир(ми?)

Саёҳат


Низомий номидаги Тошкент педагогика университети касба уюшма қўмитаси ташаббуси билан профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг Бухоро шаҳрига саёҳати уюштирилди.

## Мароқли дамларни ҳадя этди

40 кишидан иборат саёҳатчилар Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида бўлишди. Ситорай Моҳи Хоса, Лаби Ховуз ансамбллари зўр қизиқиш билан томоша қилишди.

Тарихий обидаларни янада чуқур ўрганиб, уни талабалар билан баҳам кўришни кўнглига туккан саёҳатчилар шундай мароқли дамларни ҳадя этган касба уюшмаларидан миннатдор ҳолда ортига қайтишди.

Ўз мухбиримиз



Самарқанд вилояти

# «Келажакка қатъий ишонччи кўрдик»

Самарқандда «Хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва гендер тенгликни амалга оширишда касба уюшмаларининг иштироки» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчилари тadbир давомида шаҳардаги маданий мерос объеклари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди. Мухбиримиз уларнинг анжуман ҳақидаги ҳамда шаҳар билан танишув жараёнида олган таассуротлари билан қизиқди.



Олга КРИКУНОВА, Касаба уюшмалари умумқонфедерациясининг Меҳнат муҳофазаси масалалари, саломатлик ва инсонпарварлик муаммолари бўйича департаменти бошлиғи ўринбосари:

– Ўзбекистон мен учун қадрдон гўша. Ҳаётимнинг муайян қисми шу юрт билан боғланган. Тақдир тақозоси туфайли бир

пайтлар бу ўлкадан кўчиб кетганмиз. Гарчанд олис юртни макон тутган бўлсак-да бу қадрдон диёрни кўп қўмсайман. Бағрикенг, кўнгли очик инсонлар кўз олдимдан бир-бир ўтаверади.

Аслини олганда, ўзбекона лутф-карамни дунёнинг ҳеч бир ерида учратмайсиз. Бу халқ табиатида аёлга, онага бўлган ҳурмат-этибор баланд. Дунёдаги аёлини – онани саждагоҳ санаб келаятган ўлка ҳам Ўзбекистондир. Мамлакат ҳукуматининг аёллар ҳақ-ҳуқуқларига

доир амалга ошираётган ислохотлари эътирофга молик.



Татьяна ГЕНЗА, ФНПР вакили, Волгоград области касба уюшмалари кенгаши раиси:

– Самарқанд анжумани жамоат ташкилотлари томонидан хотин-қизларнинг бўйича амалга оширилаётган ишлар бўйича муайян хулосалар берди. Бу ерда бир қатор давлатларда аёллар масалаларида амалга оширилаётган ишлар билан танишишга мушарраф бўлдик.

Шаҳардаги ўтмишдан садо бериб турувчи тарихий маданий ёдгорликлар билан танишув асосида ўзбекистонликлар юз-кўзида келажакка бўлган қатъий ишонччи кўрдик.



Марина ЛАЗЕРЬ, Беларусь касба уюшмалари вакили:

– Бизнинг диёримизда ўзбекларни алоҳида меҳр билан тилга олишди. Тарихнинг синови даврларида бу ўлканинг ўқтам йигитлари халқимиз меҳрини қозонишган. Халқаро семинарда иштирок этганимдан, энг муҳими, Самарқанд шаҳрида бўлганимдан мамнунман.

Тулларга бурканган, ўзига хос табиат, виқорга эга қадимий шаҳар билан яқиндан танишдик. Амир Темур мақбараси, Регистон майдони, Хўжа Дониёр зиёратгоҳлари ва бошқа бир қатор маданий ёдгорликлар руҳиятимизга ўзгача енгиллик бахшида этди.



Нурилла ШАМСИЕВ («Ishonch») эзиб олди

Долзарб мавзу



Фарғона вилояти

Жорий ёзги соғломлаштириш мавсумида Фарғона вилоятидаги 22 та стационар оромгоҳда 13 минг 740 нафар, 119 та таълим муассасалари қошида фаолият юритадиган кундузги оромгоҳларда 20 минг 100 нафар ўқувчи таътил кунларини мароқли ўтказиши режалаштирилган.

## Барчаси кўнгилдагидек бўлади

Айни пайтда фаолият кўрсатадиган оромгоҳларнинг мавсумга шай ҳолатга келтириш бўйича ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари деярли якунига етай деб қолди. Вилоят ҳокимлиги томонидан маҳаллий бюджет ҳисобидан оромгоҳларни таъмирлаш учун 1 млрд. сўм маблағ ажратилди. Ҳозирда Фарғона шаҳридаги «Хумо», Олтиарик туманидаги «Юлдуз» ва Наманган вилоятининг Поп туманидаги «Нилуфар» оромгоҳларида капитал таъмирлаш, Қувасой шаҳридаги «Меҳнат роҳат» оромгоҳида жорий таъмирлаш ишлари ниҳояланиш арафасида.

Оромгоҳларда ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг ҳар бир кун таассуротларга бой бўлишини таъминлаш, кўнгилочар дастурлар, танловлар уюштириш, танқиди ёзувчилар, шоирлар, санъат арбоблари, спортчилар ва ёш санъаткорлар билан учрашувлар ташкил этиш бўйича тadbирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ўқувчиларнинг китобга қизиқишини ошириш, уларда мутолаа маданиятини юксалтириш мақсадида ҳар бир оромгоҳда кутубхона ташкил этилиб, болалар учун мўлжалланган газета ва журналлар, бадиий адабиётлар, эртак китоблар билан таъминланади. Шу билан бирга, болаларнинг табиат кўйига, музейлар ва истироҳат болгарига саёҳати уюштирилади. Театрлар ижодий жамоалари томонидан қизиқарли дастурлар намойиш этилади.

Дам олувчиларни жисмонан чиниқтириш мақсадида виллоятдаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари томонидан оммавий спорт турлари бўйича оромгоҳ биринчиликлари, «Кувонқ стартлар», «Ким эпчил-у ким чаққон», «Спорт – соғлиқ гарови», «Балли, йигитлар», «Балли, қизлар» каби тadbирлар ташкил этилади.


Оромгоҳларда маънавиятнинг мазмун-моҳияти, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари, миллий урф-одатлар, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тadbирлар ўтказиш бўйича чора-тadbирлар белгиланган.

Ганшиер ПАЙЗИЕВ, Фарғона вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

## Ҳикмат

Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумок, ўқутмок, ўрганмок ва ўргатмок учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур.

Абдулла АВЛОНИЙ



Жиззах вилояти

# Йиғлаётган «Табассум»

Навбатдаги ўқув йили якунланишига ҳам санокли кунлар қолди. Агар шароит ва имконият бўлса, таътилда кўпчилик ўқувчилар оромгоҳларда яйраб дам олишади.

Жиззах вилоятида 12 та стационар болалар оромгоҳи бўлиб, жорий йилда 9 таси фаолият кўрсатади. Қолган 3 та оромгоҳни қайта қуриш режалаштирилган.

Фориш туманида 4 та оромгоҳ жойлашган. Биз мавсумга қўйилаётган тайёргарлик ишлари билан танишиш жараёнида ҳудуд жуда хунук манзаранинг гувоҳи бўлдик.

Фориш туманидаги «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятига (ижара шартномаси асосида) қарашли бўлган «Табассум» болалар оромгоҳидаги аҳволни тасвирлашга тил ожиз. 25 майгача тайёр ҳолатга келтирилиб, 1 июндан болалар қабул қилиниши керак бўлган мазкур масканда умуман иш бошланмаган. Эътиборсиз, қаровсиз, ачинарли аҳволдаги оромгоҳнинг «чиройли» ҳолатига «маймунлар йиғлайди». Атрофи тўлиқ ўралмаган, тўсинлар «осмонга қараб»

ётибди. Ётоқхона биноларининг «томи кетган», яъни шиферлар синган, кўчган, учган... Йўлакчалар таъмирталаб.

Юз ўринга мўлжалланган бу оромгоҳнинг ошхона, ичимлик ва оқова сув тармоқлари капитал таъмирга муҳтож. Душ, омборхона, маънавият-маърифат хонаси ва бошқа хоналарнинг аянчли ҳолатини кўриб, «мабодо, бу ерларда болалар «уруш-уруш» ўйнамаганми?» деган хаёлга борасиз. Тиббиёт хонасининг аҳволи ҳақида гапириш ортиқча...



тини кўриб, «мабодо, бу ерларда болалар «уруш-уруш» ўйнамаганми?» деган хаёлга борасиз. Тиббиёт хонасининг аҳволи ҳақида гапириш ортиқча...



Қашқадарё вилояти

# «ЕТИМ» қолган

Яккабоғ туманидаги Янгиобод қишлоғида жойлашган «Автомобилчи» болалар оромгоҳи 1966 йилда қурилган. Виллоятдаги транспорт, йўл қурилиш ва кўприк қуриш соҳаси ходимларининг фарзандлари соғломлаштирилаётган масканда ўтган йили 600 нафар ўғил-қиз дам олдирилди.

150 ўринга мўлжалланган оромгоҳда ҳар навбатда 150 нафардан болани соғломлаштириш белгиланган бўлса-да, ўтган йили уч навбатнинг ўзидаёқ режа удаланган ва тўртинчи навбатда «Автомобилчи» ўғил-қизларни қабул қилмаган.

Жорий йилги ёзги соғломлаштириш мавсумига кам фурсат қолаётганини инобатга олиб, тайёргарлик жараёни билан танишиш мақсадида оромгоҳда бўлдик.

Бу ерда тўртта ёпиқ ва битта очик ётоқхона мавжуд бўлиб, барча болаларда пардозлаш ишлари олиб борилаётди. Ётоқхоналар том шиферлари анча эскириб кетган. Шу боис, битта ётоқхонанинг том шиферлари алмаштирилибди ҳам. Лекин, имкони топилса, барча бино товларини ангилаш зарур.



«Эскини ямагунча эсинг кетади» дейишганидек, фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария ҳолига келиб қолган битта очик ётоқхонадан фойдаланишни тақиқлабди. Очик

ётоқ биноси дам олиш масканининг ҳуснига соя солиб, бир четда мунғайибгина турибди...

Стадион тарафга юрдик. Баҳор серёғи келгани учун стадионнинг ўтлари тизза баробар ўсибди ва трактор ёрдамида ўрилибди.

– Энди ўйингоҳдаги бедани йиғштириб олиб, стадион чизикларини чизиб чиқамиз, – дейди оромгоҳ бош ҳисобчиси Бахриддин Бойқобилов.

Сал юрганимизда иккита эски баскетбол устунларига кўзимиз тушди. – Буни бир ташкилот кераксиз,



деб чиқариб ташлаган экан. Биз фойдаланиш учун топиб келдик. У ёқ-бу ёғини таъмирлаб, баскетбол майдончасига ўрнатамиз, – изоҳ беради Б.Бойқобилов.

Кутубхонага ўтдик. Калит йўқлиги учун (Калит оромгоҳ бошлиғида бўлиб, у шу кунги виллоят марказига йўғилишга кетган экан) ойнаванд эшикдан ичкарига мўралашга рухсат беришдик. Мўъжазгина, торгина хона, жавонларда саноклигина китоб турарди.

– Ўқув йили тугагач, мактаб кутубхоналаридан китоблар олиб келинади, – яна изоҳ беради ҳамроҳим. Фурсатдан фойдаланиб, оромгоҳнинг молиявий аҳволи, муассислари ҳақида сўрадик.

– Айни пайтда виллоят ҳудудий йўллар бошқармаси ва транспорт ушмалари кўмағида таъмирлаш ишларини олиб бораётимиз, – дейди Б.Бойқобилов. – Аммо бу ташкилотлар тўлиғича бизнинг таъминоти-мизни зиммасига олмайд.

– Демак, оромгоҳнинг эгаси йўқ экан-да.

– Яқинда Республика Транспорт вазирлиги тузилди. Оромгоҳ шу вазирлик тасарруфида фаолият юритса, ишларимиз зўр бўлиб кетади ҳали. Ўзгаришлар бўларми, деб кутиб турибмиз.

Маълум бўлишича, оромгоҳнинг доимий ишчилари сони тўрт нафар бўлиб, қолганлар – ошпазлар, тарбиячи, етакчилар мавсумий ишга олинар экан.

Бош ҳисобчидан қарздорлик ҳақида сўраймиз.

– Оромгоҳнинг солиқ ёки бошқа тўловлардан қарзи йўқ.

– Оромгоҳдан қарз бўлганлар ҳам йўқми?

– Болаларни дам олдирганлар



Акмал АБДИЕВ, «Ishonch»

Таассурот

Матбуот анжумани

Давлат тест маркази 2019 йил 14 майдаги «Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги Президент қарори мазмун-моҳиятига бағишлаб матбуот анжумани ўтказди. Хўш, ўзгаришлар нималардан иборат?

# Олий таълим учун тест

Ўзгаришлар абитуриент учун қандай енгилликлар яратмоқда?

**Биринчи ўзгариш:** жорий йилдан бошлаб абитуриентлар давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга кириш учун фақат Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қиладилар.

**Иккинчи янгиллик:** ОТМларга ўқишга қабул қилиш бўйича кириш тест синовлари июль-август ойларида ўтказилади.

**Учинчиси:** жорий ўқув йилидан бошлаб абитуриентлар бир вақтнинг ўзида ОТМга ўқишга киришда фанлар мажмуасига мувофиқ келувчи жами учта бакалаврият таълим йўналишида таълим олишда иштирок этиши мумкин.

**Йиғилар-чи?** Олдинги ўқув йилларида таълим муассасаларини тугатган абитуриентлардан тест синовларида иштирок этиши учун энг кам иш ҳақининг ярим баробари микдорида йиғим ундирилиши назарда тутилди. Ногирон-

лиги бўлган ёки тўлиқ давлат таъминотидаги шахслар, албатта, бундан мустасно.

**Муҳим янгилликлардан яна бири:** 2020-2021 ўқув йили қабулдан бошлаб тест фанлари мажмуаси икки бўлимга ажратилиб, 1-бўлимга барча тест топширувчи абитуриентлар учун мажбурий 3 та фан – она тили, математика ва Ўзбекистон тарихи, 2-бўлимга даъвогарлик қилинаётган бакалаврият таълим йўналишига мос иккита фан киритилади-дан бўлди.

**Ва албатта!** Абитуриентларнинг тест синовида тўплаган баллари ҳақидаги маълумот тест синови ўтказилган куннинг эртасига, унинг талабалikka тавсия этилган ёки этилмаган бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган танлов натижаси тест синовларини ўтказиш жараёни тўлиқ якунлангандан кейин бир ҳафта муддат ичида ДТМнинг веб-сайтида эълон қилинади.

Давронбек ОРИПОВ, «ISHONCH»

Саломатлик омили

## Маҳорат кўриги

Ромитанлик Қўшшаевлар oilаси «Спорт – мустақам oilамиз пойдевори» шiori oстида ўтказилаётган республика спартакиадасининг Бухоро виллояти бoсқичида 1-ўринни эгаллади.

Акробатик элементлар асосида тўпни баскетбол саватчасига ташлаш, дарвозага киритиш, тезлик, мерганлик, эпчиллик эстафеталари, арқон тортиш, чамбарак айлантириш, аргамчи учиш сингари мураккаб шартларни бажариш иштирокчилардан катта маҳорат талаб этди.

## Спортсеварлар беллашди

Олмасор туманидаги таълим муассасалари ходимлари учун 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ташкил этилган oilавий спорт мусобақаларида 12 та oilа вакиллари спортнинг 8 та тури бўйича беллашдилар.

Якуний натижаларга кўра, 1-ўринга 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби услубчиси Камолитдин Назиров ва Олмасор политехника ва стандартлаштириш касб-хўнар коллежи ўқитувчиси Нилуфар Ғафорова oilалари муносиб топилди.

## Бахт бир қадам

Спартакиаданинг Фарғона виллояти бoсқичи югуриш, акробатика, тўпни нишонга отиш, моҳир ҳужумчи, «Овчилар ва қуёллар» уйини, «Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни боғлаймиз», «Қаққонлик ва мерганлик» эстафетаси ҳамда арқон тортиш шартларини ўз ичига олди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси тизимидagi муассасаларнинг oilавий жамоалари ўртасида кечган мусобақаларда бешариқлик Абдусаломовлар oilаси биринчи ўринни эгаллаб, республика бoсқичига йўлланмани қўлга киритди.

## Соғлом турмуш сари

Навоий шаҳар якка кураш турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси тизимидagi корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчилар ҳамда уларнинг oilа аъзолари ўртасидаги мусобақаларнинг виллоят бoсқичи бўлиб ўтди.

Тadbир жараёнида иштирокчилар саломатлик инсонининг ўз қўлида эканини чуқурроқ англаб етишди.

## Спортга ошно ёшлар

Гулистон туманидаги Бешбулоқ маиший хизмат касб-хўнар коллежида бўлиб ўтган спартакиадада Бoёвут туманидан Раҳматовлар, Ширин шаҳридан Абдусаматовлар, Сирдарё туманидан Пирматовлар, Гулистон туманидан Жоникюловлар oilавий жамоалари ғoлиблик учун курашди.

Қизгин ва мурасасиз беллашувлар нафақат иштирокчиларни, балки томошабинларни ҳам спорт билан мунтазам шуғулланган ҳолда соғлом турмуш тарзига амал қилишга undади.

«Ishonch» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди



# ОҒРИТМАЙ «КУЙДИРАДИГАН» ХАСТАЛИК

Ўзбек шифокорлари **ВИТИЛИГО**нинг **ДАВОСИ**ни топилди



... У тери касалликлари шифохонасида ишлайди. Бу ерга ҳар кўни ўнлаб, юзлаб одамлар турли тери касалликларида даволаниш учун келишади, уларнинг учдан бири витилиго касаллигига дучор бўлган.

Шифокор беморларни қабул қилади, дардларини эшитидади. Ахир, у келганларга: «Кечирасизлар, ҳали бу касаллиқнинг давоси топилмаган, кетаверинглар», дея олмайдими-ку? Келганларнинг кўзлари ундан шифо сўраб термулиб туришади.

Мана бу ёшгина аёл шу касалликка чалинибди, эри эса шу сабаб у билан ажрашиб кетибди...

Мана бу икки ёш қизча эгизак – Фоти-ма-Зухра экан, бирдан биттасининг пешонаси оқариб қолибди, ота-онаси буни кўриб бўлганича бўлишбди, «Жон доктор, қизимни тузатинг, худо хайрингизни берсин», деб кўзларига ёш олиб туришибди.

Мана бу катта ёшдаги киши юз-кўзларининг айрим жойлари оқариб қолаётганидан шикоят қилади.

Хўш, бу касаллик нима? Уни ҳам шу савол кўп қийнаган. Изланган. Билганлари эса...

## ВАХИМАСИ ЁМОН...

Терининг бир хислати бор: у оғримайди, нетмайди, аммо баъзан рангини ўзгартириб олади. Натижада унда ҳар хил катталикда оқшар доғлар пайдо бўлади. Танада айрим жойларнинг оқариб қолиши тиббиётда витилиго касаллиги деб номланади. Халқ тилида эса бу касаллик жуда хунук ном билан – «пес» деб аталади. Қарангки, терининг у ёки бу жойида пайдо бўлган оқ доғлар оғримайди ҳам, юртганда-турганда билинмайди ҳам, аммо унга гирифтор бўлган одам ваҳимага тушади, ўзини ёмон ҳис қилади, худди ҳамма унга қараётгандай, ундан жирканаётгандай туюлаверадй. Хуллас, ўзи бир танга-ю, тўқмини минг танга деганларидек, бу аслида арзимас бир ўзгаришнинг инсон онгига таъсири, ваҳимаси жуда ҳаминқадарли. Уни инсониятда учрайдиган яна бир маълум касаллик – мохов (тиббиёт тилида – лепра) билан ёнма-ён қўйишди, ёмон кўрган нараса-ю одамларини «пес, мохов» деб бараварига нафратланишади. Аммо, номлари ёнма-ён тургани билан бу

## Ҳикмат

Соғайишга ишонч –  
ярим соғайиш деган сўз.

Ф. ВОЛТЕР

Тошкент  
шаҳри

## Мустаҳкам оила пойдевори

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши тизимдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг оила аъзолари ўртасида «Спорт – мустаҳкам оиламиз пойдевори» деб номланган Республика спартакиадасини уюштирди.

Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатда ташкил этилган мусобақалар кўтаринки кайфиятда ўтди. Катнашчилар мат устидан умбалок ошиб, югуриб келиб корзингага копточка ташлаш, тўпни уч маротаба дарвозага қўйиш, сакроғичда сакраш, қошиқда копточкани тушириб юбормай манзилга етказиш ва шу каби яна бир неча қизиқарли шартларни бажаришди. Ҳалабала юртқатанг билан бирга чаққон ва фаол иштирок этишди. Айниқса, оилалар ўртасида арқон тортиш шартининг бажарилиши жуда қизиқарли бўлди.

– Спартакиадага бирон-бир ўринни олиш учун келмагандаки, – дейди мусобақа иштирокчиси «Қорақалпоғистон сув йўллари» Давлат унитар корхонаси вакили Сабир Кукеева. – Шунга қарамай, ғолиблар қаторидан ўрин эгалладик. Энг асосийси, мусобақалар жараёни бизга бир олам завқ бағишлади.

– Ушбу спартакиада тизимдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилди, – дейди тармоқ касабга уюшмаси Республика кен-

гаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Шерзод Неъматов. – Шу билан бирга, уларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиб, спорт-соғломлаштириш тадбирлари орқали саломатлигини тиклашга кўмаклашиш, ходимларни турли касалликларидан спорт ва соғлом турмуш тарзи орқали муҳофаза қилиш мақсад қилинган.

Кескин ва муросасиз баҳсларга бой тарзда кечган мусобақаларда навоийлик Қўлиевлар оиласи «Энг қаҳқор оила», сирдарёлик Аюбжоновлар оиласи «Энг фаол оила» ва жиҳазлик Норбутаевлар оиласи «Ҳалабага бўлган интилиши юксак оила» каби номинацияларни қўлга киритдилар. Қўлиевлар касабга уюшмасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Дилором ХУДОЙБЕГАНОВА,  
«ISHONCH»

## ГОРМОНЛАР БИЛАН ДАВОЛАШ

Ҳозирги замон тиббиёти витилиго касаллигини даволашда турли усуллардан фойдаланади. Булардан энг муҳими маметоноз ва метилпреднизалон деб номланувчи кортикостероид гормонлар бўлиб, улар тери яллиғланишига қарши чора сифатида қўлланилади. Бу дорилар ҳам касаллиқнинг боришига қараб ўзгариб турилса яхши натижа бериши мумкин. Протопик ва Элидел деб номланувчи сурма дорилар ҳам оқ доғларни камайтирувчи меланоцитлар ишлаб чиқишга ёрдам беради. Чет эл олимлари томонидан ишлаб чиқарилган руколитиниб сурмаси оқ доғларни кетказишда яхши самара бераётгани ҳам тиббиётчиларга маълум бўлди. Мазкур касаллиқнинг инсон ички аъзолари билан боғлиқлиги муносабати билан ошқозон-ичак тизимига, жигарда моддалар алмашинуви таъсир қиладиган дорилар, инсон организмни мустаҳкамловчи турли витаминлар ҳам қўлланилади. Шунингдек, ўзида тана таркибига кирувчи рух, темир моддалари бўлган махсус дорилар ҳам бу касаллиқни даволашда ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

## НУРЛАР ҲОЙДА БЕРАДИМИ?

Оқ доғларни даволашда махсус электр ультрафиолет нурлари ҳам муҳим ўрин тутди. Бу нурлар оқ доғлар мавжуд жойларнинг ичкарига кириб бориб яллиғланишни тузатади, меланин моддасининг пайдо бўлишига ёрдам беради. Шунингдек, терини қиздирувчи иссиқлик нурларининг ҳам касаллиқни даволашда таъсири сезиларлидир. Бу нур ва иссиқлик билан даволашлар оксален ёки псорален каби дорилар билан қўйиб олиб борилади, фойдаси кўпроқ бўлади. Мазкур дорилар терига суртилиб, кейин ультрафиолет нурлари билан қиздирилади. Бу мулоҳаза тери қўйиб қолмаслиги учун эҳтиётлик билан ўтказилиши лозим. Оқ доғларни даволашда лазер нурларининг таъсири ҳам сезиларлидир. Фотодаволаш деб аталувчи нурлар билан даволаш ҳар йили такрорланиб турилса беморга фойда бериши мумкин. Инсоннинг ўз-ўзини сақлаш жараёни иммунитетни тартибга солишда такролимус дориси ҳам кенг қўлланилмоқда.

Баъзи мутахассислар оқ доғларни даволашда суяк касалликларига қарши қўлланиладиган тофацинитиб дорисини ҳам синаб қўлланмоқда. Аммо бу дорининг сурункали қўлланилиши инсон вужудида ўсмадорлик вужудга келишига ҳам сабаб бўлиши мумкинлиги ундан фойдаланишга монелик қилмоқда.

## ЖАРРОҲЛИК УСУЛИ БИЛАН

Тиббиёт ходимлари теригади оқ доғларни даволаш борасида тинмай изланишда бўлиш, беморларнинг бу касалликдан бутунлай

фориг бўлиш йўллари, янгидан-янг даволаш усулларини синаб кўрмоқдалар. Бундай усуллардан бири касаллиқни жарроҳлик усули билан даволашдир. Ахир, бошқа аъзолар, шу жумладан, ички аъзолардаги касалликлар жарроҳлик усули билан даволангандан кейин уни терига ҳам қўллаша бўлмайди? Шифокорлар бу борада ҳам турли тадқиқотлар олиб боришди ва оқ доғларни даволашда жарроҳлик ҳам қўлланила бошланди. Олдин оқ доғлар – агар улар жуда катта бўлмаса, кесиб олиб ташланди ва ўша жойнинг териси тикиб қўйилди. Бу усулни теригади оқ доғ кичикроқ бўлганда қўллаш мумкин бўлди, аммо унинг ўрнида чандикнинг қолиши мақсадга мувофиқ бўлмади. Яна бир усул – касал терини олиб ташлаб ўрнига ўша беморнинг соғлом терисини кўчириб ўтказишдан иборат бўлиб, бу анча яхши натижа берди. Аммо терининг барча жойларидаги оқ доғларни соғлом тери билан алмаштириш мумкин эмаслиги – масалан, юз қисмига – бу усулни қўллашга монелик қилади. Шунингдек, танасининг кўпчилик қисми оқарган беморларга бу усулни қўллаш мумкин бўлмайди. Шифокорлар яна бир усулни синаб кўришди: беморнинг соғлом терисидан соғлом меланоцитларни ажратиб олиб, уларни махсус шароитларда кўпайтириб касаллик бор жойга қайта қўйиб чиқарилади. Аммо бу жуда мураккаб иш бўлиб, кўп вақтни олади, кўп меҳнат сарф қилинади. Барибир, инсон танасидан олинган меланоцитларни кўчириб ўтказиш витилигоини даволашда энг мақбул усул бўлиб қолмоқда. Агар беморда бу касаллик эндигина бошланган бўлса ва тез ривожланиб кетмаса, албатта, фойда беради. Одатда, меланоцитлар беморнинг сон терисидан олинади ва касал жойларига ўтказилади. Аммо бу иш осон эмас, шифокордан катта билим ва маҳорат талаб этилади. Бу усул натижасида соғайиб кетган беморларнинг кўпайиб бориши фикримизнинг исботидир.

Шифокор буларни ўйлади-ю, жарроҳлик хонасига қараб юрди – бу ерда уни навбатдаги бемор кутарди...

## ТАНИШИНГ, ШИФОНИ УЛАР ТОПГАН

Мана энди шифокоримиз билан таништириш пайти келди – у киши тери касалликларининг таниқли шифокори, тиббиёт фанлари доктори Улуғбек Собиров бўлади. Биз юқорида ҳикоя қилиб ўтганимиз – инсон терисиди оқ доғлар ва уларни йўқотиш йўлидаги турли хил муолажалар у раҳбарлик қилаётган Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология тиббиёт марказида йўлга қўйилган. Шунга айтиш керакки, оқ доғларни жарроҳлик йўли билан даволаш усули биринчи марта шу ерда у кишининг шахсан бошичилигида ҳамда унинг ҳамкасби – Марказнинг дерматокосметология бўлими мудир, тиббиёт фанлари номзоди Бобур Тоиров билан ҳамкорликда амалга оширилди. Натижада Ўзбекистонда биринчи бўлиб оқ доғларни жарроҳлик йўли билан даволаш усули ишлаб чиқилди ва бутун дунёга маълум ва машҳур бўлди.

Ҳа, қанчадан-қанча одамларнинг ташвиши бўлиб келаётган дарднинг давоси топилиди – теригади оқ доғлардан бутунлай халос бўлишга эришилмоқда!



Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ,  
филология  
фанлари доктори,  
профессор

Чой фақат чанқовбосди ичимлик эмас, айни вақтда шифобахш хусусиятларга ҳам эга. Жумладан, у кишига яхши кайфият бағишлайди, тегишлариди, асаб тизимига ижобий таъсир кўрсатади, бош мия пўстлогини қўзғатиб, қон томирларини кенгайтиради.

Чой турли хасталикларни даволашда ҳам ишлатилади. Қулоқ, бурун, томоқ ва кўз оғригандан чойдан фойдаланиш мумкин. Кўз шамоллаганда аччиқ дамланган илиқ чойда чайиш фойдалади, шунингдек, чой бош оғриғини қолдирувчи, қувватни оширувчи, фикрни тейлаштирувчи хусусиятларга эга. Бир қатор хасталиклар, масалан, қон оқishi, лавша, нифрит, атеросклероз, хафакон, ичбургу, кўйүтэл, бод, беланги, стенокардия, сарик касаллиги билан оғриган беморларга маълум даражада чой даво ҳисобланади. Булардан ташқари, полиомия, елит, меъда яраси, ўн икки бармоқли ичак жароҳати, жигар, буйрак ва бошқа касалликларни даволашда ижобий таъсир кўрсатади. Ороганизмда туз йиғилиши, нафас йўллари шамоллаши, рентген нурлари билан зарарланиши, офтоб уриши каби касалликларни даволашда чойнинг аҳамияти жуда каттадир. Чойнинг таркибиди шифобахш моддалар қон томирлари фаолиятини яхшилайди, унинг мўртлашувининг олдини олади, эластиклигини оширади. Чой аъзоларимиз фаолиятининг бир меъёрида ишлашини таъминлаб туради: овқат ҳазмини яхшилайди ва юқумли касалликларга нисбатан қаршиликни кучайтиради, жинсий безларни жонлантиради. Чой юрак-қон томир тизимининг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.



Чой, бундан ташқари, озиклик хусусиятига ҳам эга экан. Утган асрда шифокорлар чой ичимлигини тўйимлиги жиҳатида туш қайнатилган шўрвага тенглаштирган. Тўғри, чой овқатнинг ўрнини тўла боса олмайдими, аммо у кишига маълум даражада қувват беради.

Чой дамлаш технологияси аҳамияти барики керак. Чойдан олган идиш бошқа нарсаларга ишлатилмагани маълум. Чойнакка чой дамлашдан олдин у қайноқ сув билан чайилади, кейин қуруқ чой солиб, устига қайноқ сув қуйилади. Дамланган чойни қи-



Ҳидоят сабақлари

## Исроф – кулфат дояси

Ҳеч эътибор берганмисиз? Етмиш-саксон ёшдаги нуронийлар нон ушғини пешонасига суради. Босми, болалигида шу ушоққа зор бўлган. Янги либос тўхфа қилсангиз, тинмай дуо қилади. Илло, ёшлигида йиртиқа-аймоқ кийимда юрган. Қошонага қирар экан, шўкрона аятади. Зеро, лойсуюқ ўйда, наमत устида вояга етган.

Бугун аксариятимизнинг музлаткичимиз ноз-неъматга тўла. Дастурхонимиз тўкин. Либосимизга озгина доғ тегса, чиқиндига ташлаймиз. Утган йили кийганимизни бу йил эгнимизга илгимиз келмайди. Хонадонимиздаги мебеллар-у жиҳозларни ҳам ҳар йили алмаштиргимиз келади. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло инсонларга беҳисоб неъматларни ато этиш баробарида бу неъматларни тежаб, исроф қилмай фойдаланишни ҳам буюрган. «Исроф» сўзи арабча бўлиб, унинг маъноси «ҳар бир ишда ҳаддан ошмиш» маъносига келади. Исроф динимизда қаттиқ қоралangan. Қуръони Каримда исрофнинг нақадр ёмон иллат экани ҳақида ўнлаб оятлар бор.

Аллоҳ таоло айтади: «Еб-ичингиз, (лекин) исроф қилмангиз!». Дастурхонимизни турли ноз-неъматлар билан безаётган чоғимизда маҳалламизда, кўча-мизда, юртимизнинг қайсидир бурчагида қайсидир бева-бечора, етим-есир қаттиқ нон қавшаб ўтирган бўлиши мумкинлигини ўйлаймизми? Ор-тиқ қолган таомни қинқинда ташлаётганимизда унинг меҳнат ва машаққат эвазига келганини ҳис қиламизми?

Донишмандларнинг айтишича, исрофгарчилик инсон ҳаётига кулфат олиб келади. Уни қашшоқ ва бахтсиз этади. Халқимиз оруз-ҳаваси халқ. Аммо оруз-ҳавас деганда нимагадир фақат тўқин дастурхон-у, дабдабани тушунадиган бўлиб қолганмиз. Болаларимизни биллимли қилиш, ақилларимизни бахтли қўриш, атрофдагиларга яхшилик улаиши ҳам оруз-ҳавас, аслида.

Ислол дини инсонларни жамиятдаги барча қатламларга бирдай муносабатда бў-

Ўқтам ҚУРБОНЎЗОВ,  
Амударё туманидаги  
«Нўғой эшон» жомеъ масжиди  
имом хатиби

Биласизми?

## Уни ҳаёт шарбати дейдилар...

зиб турган плита устига қўйиш ярамайди. Чой яхши дам еб, иссиқ ҳолда сақланиши учун устига сочқик ёки махсус қалпоқча қўйиш лозим. Шунда чой хўшбўйлиги, ранги ва тиниқлигини сақлаб қолади. Чой дамлаш учун совуқ сув ишлатмаган маъқул. Уларда мавжуд бўлган кальций, магний тузлари дамланишнинг сифатини бузди.

Қуруқ чой ўзга хидларни ўзига синдириб олиш хусусиятига эга. Шунинг учун у оғзи зич ёпиладиган чинни, шиша ёки сирланган идишларда қўшиб туриш лозим. Нурдан холи бўлган жойда сақланиши лозим. Ўзга хидли кимёвий модда (нафталин, совун, атир-упа ва бошқалар) чойга яқин қўйилмаслиги зарур. Чойни фақат водопровод шохобчаларидан, тиндирилган сувлардан олиб дамлаш керак. Чунки ариқ, жила, сой сувлари маълум даражада кимёвий унсурлар (нитратлар, нитритлар) ва бошқа моддалар билан ифлосланган бўлиши мумкин.

Содиқ МҲМИНОВ

МУАССИС:



2007 йил 11 январда  
Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида  
116-рақам билан рўйхатга  
олинган.



Бош муҳаррир  
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:  
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69  
Хўшқў ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон  
Республикаси Президентининг фармон ва  
қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий,  
танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни  
билан танишишингиз мумкин.

Манзилилар:  
100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтининг: сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Тахририят хисобхонаси:  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Ishonch bank» Яшнобод филиали,  
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Худудлардаги муҳбирлар:  
Қорақалпоғистон  
Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
Андижон – (+998-99) 889-90-23  
Бухоро – (+998-99) 889-90-31  
Жиззах – (+998-99) 889-90-25  
Наманган – (+998-99) 889-90-02  
Навоий – (+998-99) 889-90-28  
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт.  
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи  
назаридан фарқланиши мумкин.

Набатчи муҳаррир:  
Т. Шернаев  
Мухасшир:  
С. Шодиева  
Саҳифаловчи:  
Ҳ. Абдужалилов  
ЎА якуни – 01:30  
Тошхирлиди – 01:50

Газета офсет усулида,  
А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 2 босма табок.  
Бурутма Г – 517.  
30112 нусхада босилди.  
Навр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 6